

6.2.2. Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган такдирда сотиб олувчи (буюртмачи): товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли. Етказиб берувчи сотиб олувчининг (буюртмачининг) талабини олган пайдан бошлаб, агар тарафларнинг келишувида ўзга муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт; етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундиришга ҳақли.

6.3. “Харидор”нинг жавобгарлиги:

6.3.1. “Харидор”нинг айби билан етказиб берилган товарлар ҳақини уз вақтида туламаса, “Харидор” томонидан кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоиз микдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ булмаган микдорда пеня тулайди. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

6.4. Шартноманинг 2-бандига асосан “Таъминотчи” томонидан сотилган махсулот сифатсизлиги тегишли ҳужжатлар билан 3 кун ичида тасдиқланса, у ҳолда “Таъминотчи” сифатсиз махсулотни сифатли махсулот билан алмаштириб беради ва бу билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олади.

6.5. “Таъминотчи” нинг ҳисоб – варақасида махсулот солинган кутилар (тара) ни қайтарилиши қайд этилган бўлса, кутилар 15 кун ичида қайтарилиши шарт.

6.6. Томонлар ўзларига юклатилган мажбуриятлардан ўзларига боғлиқ бўлмаган қуйидаги форс -мажор ҳолатларида қисман ёки тўлик озод этиладилар: ёнгин, табиий офатлар, харбий ҳаракатлар, блокадалар, импорт ва экспорт қилишга тақиқлар.

#### 7. Низоларни ҳал этиш.

7.1. Шартнома мажбуриятларидан келиб чиқадиган барча низолар, томонлар ўртасида ўзаро келишилган ҳолда ҳал этилади. Низолар пайдо бўлганда томонлар ёзма равишда оғохлантириш хати берадилар. Оғохлантириш хатига жавоб бериш муддати 10 кун.

7.1. Ҳал этилмаган низолар Иктисодий судида кўриб чиқилади.

#### 8. Форс-мажор.

8.1. Томонларга боғлиқ булмаган ҳолатлар «ёнгин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикасида Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган такдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

8.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбуруйдир.

#### 9. Шартнома муддати

9.1. Шартнома имзоланган кундан ва тегишли ҳудудий газначилик булимида руйхатга олингандан сунг, кучга кириб 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

#### 10. Умумий ҳолатлар:

10.1. “Харидор” “Таъминотчи”га хар ойнинг 5 санасигача шу ойда зарур бўладиган дори воситалари ва тиббий ашёларнинг буюртма рўйхатини такдим этади, бунда товарнинг номи, микдори курсатилиши шарт, “Харидор” га “Таъминотчи” томонидан прайс листлар такдим этилади, прайс листга асосан «Харидор» нархларга алоҳида эътибор берган ҳолда, танлов варақасига асосланиб 1 ойлик эҳтиёж учун зарур бўлган дори –дармонларни сотиб олади.

10.2. Шартномага киритилиши лозим бўлган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма тартибда амалга оширилади ва томонлар имзолаб, муҳрлагандан сўнг тегишли газначилик булимидан руйхатга олингандан кейин асосий шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

10.3. Ушбу шартномага оид, лекин шартномага киритилмасдан қолган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал этилади.

Томонларнинг манзилгоҳи ва банкдаги ҳисоб рақамлари:

“ТАЪМИНОТЧИ”

“ХАРИДОР”

«Андижон Дори-Дармон»АЖ  
711000, Андижон ш,  
Оғоҳий куча №1-уй  
х/р 20210000800177073001  
Миллий Банк Андижон вилоят  
Булими МФО 00074  
ИНН 200218892  
ИФУТ 46460  
Тел/факс: 83742 374133

А.Н.Ахмаджонов.

(имзо, муҳр ўрни)



Бош вазир *Д. Мамакурова*  
(имзо, муҳр ўрни)

Хулоса.

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексининг ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонун талабларига мувофиқ равишда тузилган, имзолаш мумкин.

«Андижон Дори-Дармон»АЖ  
Ҳуқуқшуноси

Юсупов С.